

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2021 йил
16 июль,
жума
№ 30 (855)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияга иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Ашраф Гани билан учрашув ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.
Икки мамлакат етакчилари афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилишнинг имкони йўқлигини яна бир бор таъкидлаб, инклюзив афғонлараро музокаралар тез фурсатда қайта тикланишининг тарафдори эканликларини қайд этдилар.
Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистонда барқарор тинчликка эришишига фаол қўмаклашишга тайёрлигини тасдиқлади.
Томонлар икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Пандемияга қарамай, жорий йилнинг беш ойи якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 50

фоизга ортди. Ўзбекистонда Афғонистон сармоюси иштирокида 160 та янги корхона ташкил этилди.
Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқлиқни мустақамлаш баро-барарида, Афғонистоннинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган қўшма транспорт ва энергетика инфра-тузилмаси лойиҳаларини, хусусан, "Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўли ва янги "Сурхон — Пули-Хумри" электр узатиш линия-сини барпо этиш лойиҳаларини янада илгарига суриш муҳим экани таъкидлан-ди.
Президентлар икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни янада ривож-лантириш, эришилган келишувларни амалга ошириш борасида қатъий экан-ликларини қайд этдилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТӨЙ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.
Вазир Ван Ини давлати-миз раҳбарига ХХР Раис-и Си Цзиньпиннинг сало-ми ва энг эзгу тилак-ларини етказди. Ўзбеки-стоннинг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқли-гини ривожлантириш бо-

расидаги ташаббуси юк-сак баҳоланди ва қўллаб-қувватланди, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган конференция муваффақий-ятли бўлишига ишонч билдирилди.
Учрашувда олий дара-жада эришилган кели-шувларни амалга оши-риш, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция-вий, молиявий-техник, маданий-гуманитар соҳа-лар ва кўп қиррали ҳам-

корликнинг бошқа йўна-лишларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгарига суриш масалалари ало-ҳида эътибор қаратилди. Пандемияга қарши ку-рашда яқиндан ҳамкор-ликни давом эттириш муҳим экани таъкидлан-ди.
Халқаро кун тартиби, шу жумладан, Афғонис-тондаги вазият юзаси-дан фикр алмашилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон 15 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.
Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон Муस्ताқил-лик майдонида ташриф буюриб, Муस्ताқиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.
Икки мамлакат Бош вазирлари пойтахтимизда ташкил этилган Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида иштирок этди.
Ўзбекистон ва Покистон халқла-ри ўртасидаги дўстлик алоқала-ри узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ришталар бугунги кунда тари-

хий илдишлардан куч олиб, янада ривожланмоқда. Заҳрирдин Му-хаммад Бобур ва бобурийлар, Муҳаммад Иқбол, Мирзо Ғолиб сингари улуг мутафаккир ва шо-ирларнинг ўлмас мероси, маъри-фий қарашлари халқларимизни боғлаб турадиган мустақам маъ-навий кўприқдир.
Шу сабабли Покистон Бош ва-зирининг мазкур ташрифига му-носабатларимиз тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб қаралмоқда.
Ташрифнинг асосий тadbirlari Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.
Расмий кутиб олиш маросими-дан сўнг Ўзбекистон Республика-си Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор дои-рада музокара ўтказди.
Президентимиз олий мартаба-ли меҳмоннинг Ўзбекистонга илк

ташрифи икки томонлама ше-рикликнинг янги даврини бошлаб берганини таъкидлади.
— Покистон бизнинг вақт сино-видан ўтган муҳим ҳамкоримиз. Давлатларимиз ўртасидаги муно-сабатлар ўзаро ҳурмат ва ишонч-га асосланган. Бугун биз уларни стратегик шериклик даражасига кўтарамиз. Ҳозирги мураккаб ва-зирининг мазкур ташрифига му-носабатларимиз тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб қаралмоқда.
Учрашувда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги сиё-сий мулоқотни мустақамлаш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни,

айниқса, инвестициялар ва йирик минтақавий инфратузилма лойи-ҳаларини амалга ошириш йўнали-шида мустақамлаш масалалари-га қаратилди.
Кейинги йилларда икки томон-лама мулоқот ва алоқалар анча фа-оллашди. Шавкат Мирзиёев билан Имрон Хоннинг 2019 йилда Пекин ва Бишкекда ўтган учрашувлари, шу йил апрелдаги онлайн самми-ти икки мамлакат учун янги ис-тиқболлар очди. Ҳукуматлар ва ху-дудлар даражасидаги ташриф-лар натижасида алоқалар амалий мазмун билан бойиб бормоқда.
Учрашувда сиёсий маслаҳатла-шувларни, олий ва юқори дара-жадаги мулоқотни доимий ўтказ-иб боришга келишиб олинди. Алоқаларни кенг қўламда ривож-лантириш учун Стратегик ҳамкор-лик дастурини ишлаб чиқиш так-лифи билдирилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ: МУЛОҚОТ ВА ҒОЯЛАР АЛМАШИНУВИ УЧУН МАЙДОН

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Покистон биз-нес-форуми бўлиб ўтди. Мамлакатимизда бў-либ турган Покистон Ис-лоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон Ўзбеки-стон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида форумга ташриф буюр-ди ва иштирокчиларга омад тилади.

(Давоми 2-бетда) ▶



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО ИНСТИТУТИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҚАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференция доирасида Марказий Осиё халқаро институтининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, БМТ Бош қотибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман, минтақа давлатларининг ташқи ишлар вазирлари,

халқаро ташкилотлар ва-киллари, экспертлар ва бошқа юқори мартабали меҳмонлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан судларда ҳар бир иш бўйича қонуний ва асосли қарор қабул қилиш, шу орқали адолатни юзага чиқаришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада муқаддам ноҳақ судланган шахслар оқланиб, бузилган ҳуқуқ тикланмоқда. Бу уларнинг оиласи, элу юрт, қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар олдида юзи ёрув бўлишига сабаб бўлмоқда.

Оқлов

Эсада қоладиган ажрим

Ушбу ҳужжат билан 3 нафар судланувчи оқланди, 1 нафари жазодан озод қилинди



Модомики, гап оқлов ҳук-лари хусусида борар экан, бунда Навоий вилояти суди-нинг 2021 йил 23 апрелда Азизбек Қодиров, Дилмурод Ҳасанов, Умид Мансуров ва Обиджон Пардаевга нисба-тан чиқарган ажримини тил-га олмаслик мумкин эмас.
Чунки ушбу ажрим билан 3 нафар шахс оқланди, бир на-фари жазодан озод қилинди.
О.Пардаев "Навоий кон-металлургия комбинати" дав-лат корхонаси Марказий кон бошқармасининг Марказий нефть маҳсулотлари базаси-га қарашли 4817-сонли нефть омборида мудир лаво-

зимиди, А.Қодиров, Д.Ҳаса-нов ва У.Мансуров оператор вази-фасида ишлаб келиш-нинг.
Жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2017 йил 28 октябрдаги ҳук-мига асосан А.Қодиров, Д. Ҳасанов, У.Мансуров ва О.Пардаевдан ташқари А.Эр-ғашев, Ф.Самиев, Ш.Аҳма-дов, Ж.Эргашев, М.Мирзаев, Х.Раҳимов, С.Усмонов, С.Ра-ҳимов, Б.Ҳақимов, Ф.Абдул-лаев, У.Холов, Н.Краснов, Б.Сайидов ҳамда Х.Қаландаров ҳам судланган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун қўмағи

Тадбиркорлик имтиёзи

мамлакат тараққиётида муҳим ўринга эга

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, экспорт ва импорт қилувчи тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш мақсадида бир қатор қонун, фармон, қарор ва бошқа меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу ҳақда фикр юритганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги **"Ўзбекистон**



Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан **"Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши монито-рингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғри-**



сида"ги Низом тасдиқлангани ни алоҳида таъкидлаш лозим.
Ушбу Низомнинг 27-банди-га кўра, чет элдан хорижий ва-лютадаги тушум тушиши кеч-чиктирилишига йўл қўйган экс-порт қилувчилар, шунингдек, "эркин муомаллага чиқариш (импорт)" божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хиз-матлар кўрсатишни 30 банк ку-нидан ортиқ таъминламаган им-порт қилувчилар (кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 60 банк куни) белгиланган мuddатлар тамом бўлгандан кейин:
180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки "эркин муомаллага чиқариш (импорт)" божхона режимида расмийлаштирилмаган товар-лар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хиз-матлар суммасининг 10 фоизи-га тенг микдорда;

(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

Уй-жой муносабатларини тартибга солиш:

қонунчиликда бу борада қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

Бу ҳаётда ҳар бир инсон бошпанаси — ўз уйи бўлишини орзу қилади, уй олиш учун тинмай ҳаракат қилади, интилади. Шу маънода уй-жой инсон ҳаётининг узвий ва ажралмас бир қисми бўлиб, у жамиятда эркин ҳаёт кечиришнинг гаровидир. Шунинг учун мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган ва кам таъминланган тоифаларининг уй-жой ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган сармоқчи ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Тамойил

Самарали келишув усули

суд медиацияси афзалликлари

2018 йил 1 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Иқтисодий процессуал кодекси суд ишларини қулай ва содда усулда, вақт ҳамда маблағ тежамкорлиги асосида ҳал қилишнинг янги ва мақбул босқичини бошлаб берди. Аниқроқ айтганда, кодекснинг 107-моддаси биринчи қисми 5¹, 5² ҳамда 5³-бандлари иқтисодий низолар юзасида ҳавола этилган суд ишларини маълум шарт ва келишувларга мувофиқ кўрмасдан қолдириш тартибини белгилайди ва бундан биринчи галда низолашаётган тарафлар наф кўради.

Бу ҳақда гап борганда, яқинда суд лексикасига кириб чиқиш, аралашш, деган маъ-ноларни англатади. Иқтисо-дий судлар фаолиятига татбиқ этилганда эса, бир қатор ҳуқуқий омил ва оқибатларни юзага келтиради.

ро яраштириш,муросуага кел-тириш, аралашш, деган маъ-ноларни англатади. Иқтисо-дий судлар фаолиятига татбиқ этилганда эса, бир қатор ҳуқуқий омил ва оқибатларни юзага келтиради.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмағи

Тадбиркорлик имтиёзи

мамлакат тараққиётига муҳим ўринга эга

◀ (Бошланиши 1-бетда)

180 кундан 365 кунгача кечиккандан 20 фоизга тенг миқдорда, 365 кундан ортиқ кечиккандан 70 фоизга тенг миқдорда республика бюджети даромадига кўшимча жарима тўлаши кўрсатилган.

Ушбу Низомнинг 28-бандида чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчиларга, шунингдек, "эркин муомалага чиқариш (импорт)" боғжона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни таъминламаган импорт қилувчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан жарима кўллаш тўғрисида талабнома юборилиши белгиланган.



Давлат солиқ хизмати органи хўжалик юритувчи субъектларга юборилган бундай талабномадаги жарималар тўлаб берилмаган ёхуд жаримани тўлаш рад этилган тақдирда жарима кўллаш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизimini такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, ушбу қарордан кўзланган мақсад — бизнес юрितिш шартшароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожланти-



ришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлашдан иборатдир.

Ушбу қарорнинг 10-бандига мувофиқ, 2021 йил 1 майдан бошлаб чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва "эркин муомалага чиқариш" боғжона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга

камайтирилди.

Шунингдек, 2021 йил 1 май ҳолатига шакланган ташқи савдо операциялари бўйича муддатга ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди. Бундан ташқари қарорда дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатларини 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисоблаш белгилаб қўйилди.

Статистик маълумотларга кўра, Янгикўрғон туманларо иқтисодий суди томонидан 2021 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида мазкур тоифадаги 70 та иш кўриб чиқилган. Шундан 35 таси қаноатлантирилган, 34 тасини қаноатлантириш рад этилган ва 1 таси кўрмасдан қолдирилган.

Шу ўринда бир мисол: Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, "К.И.Ф" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарорига биноан 52.313.130 сўм миқдорда молиявий жарима кўллашни сўраган. Бунга қорхонанинг 2020 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, ташқи савдо операциялари бўйича 7.142 АҚШ доллари 50 цент миқдордаги дебитор қарзи борлиги асос сифатида кўрсатилган.

Бундан ташқари қорхона экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддатини "экспорт" боғжона режими бўйича боғжона юк декларацияси расмийлаштирилишини 365 кундан ортиқ бўлган муддатга кечиктирган. Бу ҳолат Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими маълумотлари билан тасдиқланган.

Бироқ 2021 йил 1 май ҳолатига шакланган ташқи савдо операциялари бўйича муддатга ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилган ва дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисоблашни туфайли суд ишни кўриш вақтида жавобгарга нисбатан молиявий жарима қўлламаслигини ва аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топди.

Тадбиркорликни ривожлантиришга оид бундай ислохотлар юртимиз иқтисодиётининг янада ривожланишига муҳим омил бўлмоқда.

Шухрат ТЎХТАБОВЕВ,
Янгикўрғон туманларо
иқтисодий суди раиси

Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби, меҳнат шартномаси шартларига ўзгартириш киритиш, интисомий жазоларнинг тўғри қўлланилиши, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ишдан бўшатилиш ва бошқа турдаги қонуний талабларга риоя этилмагани оқибатида меҳнат низолари юзага келади.

Қонун кўмағи

Ундирилган иш ҳақи

суд ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилди



Амалдаги қонунчиликка кўра, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан у билан иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Хусусан, Меҳнат кодексининг 110-моддасига асосан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилингандан ходимга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ёки у ҳисоб-китоб қилишни талаб этган кунни тўлаши керак.

Бундан ташқари Меҳнат кодексининг 154-моддасига мувофиқ иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни қонунда кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт. Меҳнат шартномасининг тарофлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувида кўрсатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

Бироқ Жиззах шаҳар ҳокимининг 2017 йилдаги қарорига асосан Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги давлат унитар қорхонаси директори лавозимига тайинланган Хайрулла Алиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва ҳисобчи лавозимига ишга қабул қилинган Комил Шароповга нисбатан ушбу қонун талаблари амал қилмади.

Гап шундаки, Жиззах вилояти ҳокимининг 2020 йил январдаги қарорига мувофиқ вилоятдаги барча давлат унитар қорхоналари тугатилиб, уларнинг ўрнида Жиззах вилояти давлат муассасаси ташкил этилган. Тугатилган қорхоналарга оператив бошқаруш ҳуқуқи билан тегишли бўлган мулклар, асосий воситалар, шунингдек, товар-моддий бойликларини белгиланган тартибда ҳуқуқий ворис сифатида Жиззах вилояти давлат муассасаси тасарруфига ўтказиш белгиланган. Бундан ташқари тугатилган қорхоналар ходимларига компенсация тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш мажбурияти ҳам янги муассаса зиммасига юклатилган.

Шундай бўлса-да, янги муассаса Хайрулла Алиев ва Комил Шаропов билан тегишли тартибда ҳисоб-китоб қилмаган. Шу боис улар иш ҳақини ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманларо судига даъво аризаси билан мурожаат қилишган.

Судда мазкур низо кўрилиш вақтида даъвогарларнинг 48.350.030 сўмлик иш ҳақи, яқуний ҳисоб-китоб ва компенсация пуллари тўланмагани аниқланди. Суд қонуний асосларга таянган ҳолда даъво аризасини қаноатлантирди. Бироқ биринчи босқич судининг ҳал қилув қароридан норози бўлган Жиззах вилояти давлат муассаси апелляция шикоят билан юқори инстанция судига мурожаат қилган.

Жиззах вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ажримига асосан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилиши қолдирилди. Чунки Жиззах вилояти давлат муассаси ходимларнинг иш ҳақини қонунга зид равишда тўлаб бермаган.

Шу тарзда суд ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ҳақини ундириб берди.

Собир НАБИЕВ,
Жиззах вилояти суди судьяси

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Буни кўнрадаги мисол ҳам тасдиқлайди. Жасур Самаров (исм-шарифлар ўзгартирилди) Навоий вилояти ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, Навоий вилояти Транспорт бошқармасида инспектор вазифасида ишловчи Амриддин ва Анвар исмли шахслар такси фаолияти билан ноқонуний шуғулланган ҳайдовчиларни аниқлаб, уларга нисбатан чора кўрмаслик эвазига беш юз мингдан бир ярим миллион сўмгача пора сўраётганини маълум қилган.

Ж.Самаров мазкур шахсларга нисбатан қонуний чора кўришда шартли равишда шахсан иштирок этишини билдирган.

Ушбу ариза юзасидан тезкор тадбир режаси тuzиб чиқилди. Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти Кармана тумани бўлими боисидан Ж.Самаровга кимёвий ишлов берилган бир миллион беш юз минг сўм пул, овоз ёзиш мосламаси холлислар иштирокида топширилиб, тадбирни амалга оширишга киришилди.

Шундан сўнг Ж.Самаров бошқарувдаги "Спарк" русумли машина икки нафар фуқарони йўловчи сифатида олиб, "Зарафшон — Тошкент" автомагистралининг "Самарканд" мунтазам йўлпатрули хизмати масканига этиб келганида Транспорт бошқармаси ходимлари томонидан "тўхтаган" деган ишора қилинди. Жасур Самаров машинани йўл четига олиб тўхтади. Транспорт бошқармаси инспектори А.Хайриев Ж.Самаровдан ҳужжатларни олиб, ундан кимларни олиб кетаяётганини сўради. Шунда Ж.Самаров йўловчи ташиш билан шуғулланишини айтиб, ёрдам беришни илтимос қилади.

— Бу ўзингизга боғлиқ, — дея таъмага ишора қилади А.Хайриев кўл телефони экранига "беш оклад" деган ёзувни ёзиб, Жасурга кўрсатар экан. — Бир миллион сўмми? — деб сўрайди Жасур. Сўхбат асносида Амриддин билан Жасур ўрта-

қисмига қўйишни буюрди. Ж.Самаров инспекторнинг бу топширигини ҳам бажарган, шахсий ҳужжатларини олганча, ташқарига чиқади. Шунда тадбирнинг бошқа иштирокчилари порохўр инспекторга ўзларини таништиради. Бундан талвасага тушган

қутулиб қолмоқчи бўлди. Аммо диктафонни қабул қилиш ва эшитиб кўриш ҳақидаги баённомадаги сўзлашувлар ҳақиқатни тўлиқ ойдинлаштирди. Диктафондаги ёзувлар эшитилиб кўрилганда, А.Хайриев Ж.Самаров билан ўзаро гаплашган

тўлиқ амалга оширилади. Мураккаб иштирокчилик биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, бу фаолиятнинг йўналтирилгани ва бевосита бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ёки ҳеч бўлмаганда улардан бирининг мавжудлиги билан тавсифланади. Бошқача айтганда, мураккаб иштирокчилик икки ёки ундан ортиқ шахсининг олдиндан тил бириктириб, жиноят содир этишида ифодаланди.

Қонунда белгиланишича, олдиндан келишилган иштирокчиликда биргаликда жиноят содир этиш ҳақида аввалдан тил бириктириб, шунингдек, жиноят содир этилишидан олдинроқ тил бириктирган ҳолда жиноят содир этилади. Иштирокчиликни квалификация қилиш учун бу келишувга эришилганидан сўнг қанча вақт ўтгани аҳамиятга эга эмас. Иштирокчилар ўртасида муайян жиноятни содир этиш юзасидан келишув оғзакчи ёки ёзма, тил бириктирув, шартли белги, бошни чайқатиш, имошора ва бошқа шу каби шаклларда ифодаланиши мумкин. Олдиндан тил бириктириш тарафларнинг кўзда тутилган жиноятнинг биргаликда содир этилишини хабардорлиги, уни содир этишда ҳар бир иштирокчининг ўз вазифаларини билиши ҳам жиҳатларнинг нисбатан юқори даражаси билан тавсифланади.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 9-банди 1-қисмида жиноятларни содир этишда аввалдан, яъни жиноят бошлангунча келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган

Хавфли иллат

Коррупцияга берилган зарба



у фуқаронинг фаол ҳаракати туфайли юзага келди

сида очик-ошкора савдо бошланади. Жасур беш юз минг сўм беришини айтганча, Амриддин қатъий равишда бир миллион сўм бермаса, баённома расмийлаштиришини маълум қилади.

Бу талабни эшитган, Ж.Самаров машинасига бориб, сўралган пулни олиб келади ва инспекторнинг ишорасига мувофиқ уни стол устига қўяди. А.Хайриев ёнида турган қоғоз папка билан пулнинг устини ёпади. У бунга ҳам қаноат қилмасдан Жасурга пулни А.Козимовнинг олдидан турган компьютер принтери ички

чоғида А.Козимов ҳам шу ерда бўлгани маълум бўлди. Буни Х.Сулаймонова номдаги Республика Суд экспертиза марказининг суд-фонография экспертизаси ҳулосаси ҳам тасдиқлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жиноят ишидаги иштирокчилик оддий ва мураккаб шаклларга бўлинади. Оддий иштирокчиликда жиноят икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирмай содир этилади ва ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив томонидан иштирокчилар томонидан қисман ёки

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
- Робохон МАХМУДОВА
- Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
- Икрам МУСЛИМОВ
- Бахтиёр ИСАКОВ
- Холмўмин ЁДГОРОВ
- Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
- Замира ЭСОНОВА
- Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
- Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳаҳми: 2 босма табқ.
Сотувада эркин нарҳда. Адади: 4921
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 2⁰⁰.